



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 18 июль, чоршанба

№56 (11.341)

Эркин нархда сотилади

«Усмон ота» эл оғзига тушди

Фермер – деҳқоннинг табиркорлиги, ишбилармони. Демак, фермер хўжалиги ташкил этиш, бу шунчаки, ернинг бир шахсдан иккинчисига ўтиши эмас, балки айнан ҳақиқий эгасининг қўлига топширилишидир.

Уртачирчиқ туманидаги «Усмон ота» фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Усмонов ернинг ҳазина қалитини топа олган уста деҳқонлардан. Узи «кетмонни уста деҳқонлардай ишлаш олмайман» дея камтарлик қилса ҳам, ернинг қадрини билдирганлардан. Бу ҳислат унга падири бузуқворни Абдумутал отадан ўтгани шубҳасиз. Ҳозир оқибатли ва меҳнатсевар фарзандлари ардоғида қарилик гаштини сураётган бу табаррук қария бир пайтлар айнан мана шу ерларда пешона тери тўкиб, меҳнат қилган, шу далалари ардоқлаган ва бу меҳр фарзандларига ҳам ўтган эди.

Усмон ота номи берилган бу фермер хўжалиги ташкил этилганига ҳали икки йил бўлгани йўқ. Лекин у оғизга тушди, тумандаги энг яхши фермер хўжалиқларидан бири сифатида тез-тез тилга олинган бўлди. Чунинчи, ўтган йилги пахтачиликда ҳаражат анча кўпайиб кетган бўлса-да, 30 миллион сўм даромад қилиниб, 9 миллионга яқин соф фойда олинди. Аъзоларнинг иш ҳақлари ўртача 9-10 минг сўмдан тўғри келди. 50-60 минг сўмлаб қўшимча ҳақ берилди. Бундан ташқари бугдой, пияз, ўсимлик ёғи ҳам тарқатилди.

Бу йилги ниятлар янада юксак. 146 гектардаги пахтадан камиди 30 центнердан, 85 гектардаги бугдойдан 45 центнердан хирмон кўтариш, шунингдек, маҳкажхори, сабзавот экинлари ва 6 гектардаги картошқадан ҳам мўл ҳосил етиштириш мўлжалланган. Ҳозиргача режадаги 220 тонна ўрнига 300 тоннадан мўлроқ сара дон топширилиб, давлат буюртмаси ортиғи билан бажарилди.

Ўзининг ривожини ҳам яхши. Икки йилдирки, хўжалик миришкорлари маҳаллий ўғитни ҳудди минерал ўғит сингари механизмлар ёрдамида култивация билан бирга бериш усулини қўллашмоқда. Фермернинг эътирофи эътишча, ниҳоллар ўтган йилгига нисбатан эртаки ва серҳосил бўлиб ўсмоқда.

Фермер хўжалигининг тобора юксалиб боришидан унинг аъзоларига эмас, Қорақўйли ва Пахтакор маҳаллалари аҳли, шу ердаги 12-ўрта мактаб жамоаси ҳам хурсанд. Саббаби «Усмон ота» кўп хайрли ишларга бош-қош. Ўтган йилги фермернинг ёрдами билан қариялар, мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари Самарқанд ва Бухорои шарифнинг кутул қадамжоларига бориб, зиёрат қилиб қайтишди. Маҳаллаларда, мактабда уюштирилган байрамлар, ҳар хил табдиллар фермер хўжалиги ҳомийлигида гоёт ранг-баранг, қизилқарни ўтадиган бўлиб қолди.

Анорбой фермер «Худо хоҳласа, бу йил бир тегирмон қураман», дея ният билдирди. Демак, у ишга тушса, нафақат фермернинг, балки шу атрофдаги кўпчилик деҳқонларнинг ҳам мушкуллари осонлашади.

Маъмур БОЗОРАЛИЕВ.



1. Истиқлол, моҳият, самара

Мустақиллик халқимизнинг яна бир фазилатини кашф этди. Бу унинг бунёдкорлиги, яратувчанлиги, табиркорлиги, қилаётган савобли юмушларидир. Бу ишларнинг аксарияти қишлоқларимизда амалга оширилаётгани ҳам рост. Бунга вилоятимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Оҳангарон туманидаги ўзгаришлар яққол мисол.

Даставвал, Оҳангарон ўзининг пурвиқор тоғлари, зилол сувлари, фусункор табиати, бепоён боғу роғлари, баҳмал далалари, сабзавот пайкаллари, уфққа тўташ бугдойзорлари, тоғ ёнбағрида ўтлаб юрган қўй-қўзилари, эчки-улоқлари, сигир-бузоқлари, от-уловлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Оҳангарон тумани ҳақида гап кетганда, кўз ўнгингиздан серҳосил ерларни қўли қадок, меҳнаткаш, қалби пок инсонлари ўтаверади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оҳангаронликлар бугуни, эртаси ва келажигини яратиш, яшатиш, куриш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Экин экиб, мўл ҳосил олмақдалар. Бинолар қуриб, уй тўйларини ўтказмоқдалар. Дарахт экиб, боғу роғ

қилмоқдалар. Энг муҳими, истиқлол улارга бераётган имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар.

Истиқлол йилларида кўпгина қишлоқлар қайта тўғилди: Телов, Яккатут, Тошарик, Қорабалиқ, Озодлик, Қурама... санай-версанг, адоғига етолмайсан. Бу ерда фаолият юритаётган хўжаликлар ҳам янгича қиёфа кашф этаётир.

Хусусан, «Бирлик», Собир Раҳимов номи, «Янги ҳаёт», «Оҳангарон»,

РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

• Оҳангарон тумани – 1971 йил 31 августда қайта ташкил этилган. Умумий ер майдони – 3186 квадрат километр. Аҳолиси – 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра – 76680 киши. Туманда – 8та қишлоқ фуқаролар йиғини бўлиб, улар ўз атрофига 87та қишлоқни бирлаштирган.



қурилди. Бир-биридан гўзал ва кўркам турар-жой бинолари қад кўтармоқда.

– Мустақиллик ҳаётимизга сон-саноксиз ўзгаришларни, янгиликларни олиб кирди. Маънавият, маърифат, маданий-маиший ва қурилиш соҳаларида

СУРАТДА: тумандаги Қорахитой қишлоғи кун сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шавкат Мўминов бошчилик қилаётган фаоллар навбат-даги режалар ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

Оҳангарон: МЕҲНАТ билан топди БАХТУ ИҚБОЛИН

«Ангрен», «Дўстлик» ширкат хўжалиқларида боғлар буй чўзди. Кўркам гузарлар барпо этилди. Бир қатор қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли маҳаллаларда мактаблар, алоқа тармоқлари, хусусий дўконлар, чойхоналар, маиший хизмат кўрсатиш устаноналари бунёд этилди.

Биргина мисол, фақат 2000 йилнинг ўзида марказдан олисдаги қишлоқ ва маҳаллаларга 312,2 километрдан зиёд газ қувурлари, 216 километрга яқин ичимлик суви тармоқлари тортилди. Йўллар кенгай-тирилиб, қайта таъмирланди. Замонавий бекатлар

бўлаётган ўзгаришлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин, – дейди туман ҳокимининг муовини Обиджон Хотамов. – Олдимизда турган вазифаларни бажариш учун энг аввало одамлар, уларнинг турмуш, яшаш тарзини ҳар жиҳатдан яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз зарур, – давом этди ҳоким муовини. – Очиғини айтганда, бу борада олиб бораётган ишларимиз ҳали бизни қаноатлантираётгани йўқ. Жумладан, ишлаб чиқариш тизимини ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлаш муассасалари ишини тубдан яхшилаш, маданият ва спортни юксалтириш, ўқув муассасалари тармоқларини кенгайтириш, қайта қуриш, янгича дастурни ҳаётга тўла-тўқис жорий этиш учун янада кўпроқ, фидойилик билан меҳнат қилишимиз керак.

... Оҳангарон туманининг иқтисодий салоҳиятида энг аввало қишлоқ хўжалиги катта ўрин тутди. Ўтган даврда бу тармоқда ҳам ислохотларни чуқурлаштириш, устувор йўналиш касб этди. Туман меҳнаткашлари галла, сабзавот, узум етиштириш-да, чорвачиликни ривожлантиришда фидокорлик намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Улар давр билан ҳамнафас ҳолда, яшамоқдалар, яратмоқдалар, курашмоқдалар.

ВИЛОЯТ ҳаёти



АЁЛЛАР

ФАОЛЛИГИДА ЎТДИ

Паркент тумани хотин-қизлар кўмитасининг жойлардаги бўғинларида «Она ва бола дастури»нинг биринчи ярим йилдаги ижроси якунларига бағишланган ҳисобот йиғилишлари бошланди.

Сўқоқ қишлоғида ўтказилган дастлабки ана шундай йиғилишда 200 нафардан зиёд фаол хотин-қизлар иштирок этди. Қишлоқ хотин-қизлар кўмитаси раиси Фариди Авидованинг ҳисобот маърузаси муҳокамаси юзасидан сўзга чиққан аёллар ёшлар тарбияси, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар ва қимматли таклифларни ўртага ташладилар.

Ўз мухбиримиз.

ОҚҚЎР ҲОН – ДЎСТОБОД КЎПРИГИ БИТДИ

Куйичирчиқ туман маркази билан Оққўрғон туманининг Навоий номи ширкат хўжалигига уланивчи Ангрен дарёси устидан қурилатилган темир-бетон магистрал кўприк қурилиши истиқлолнинг ўн йиллиги арафасида ниҳоясига етди.

Унга юз миллион сўм маблағ сарфланди. Қурилишга Ўзбекистон автотомобил йўллари концерни, вилоят ҳокимлиги, туман ҳокимлиги, Тошкент 14-кўприк қурилиш корхонаси, 3-қишлоқ қурилиш комбинати, Тошкент шаҳар йўл таъмирлаш трести, Қуйичирчиқ ва Оққўрғон туманлари автомобил йўллари бошқармалари катта хисса қўшдилар. Узунлиги 120 метр, эни 14 метр, икки ёнида пни-далар учун махсус йўлак-ли бу кўприк асфальт ётқизилгандан кейин ўзгача чирой касб этди. Эндаликда икки туман халқининг узоғи яқин бўлапти.

Абдумалик АБДУСАМАТОВ.

ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

Бугун таварак-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳар бир кишидан оғох ва яна оғох бўлишни талаб этмоқда. Айниқса, терроризм, диний экстремизм, фундаментализм каби иллатларга қарши бугун инсоният биров-валикда қурашиши кераклигини тақозо этмоқда.

Бу иллатлар таъсиридан, айниқса, ёшларни, ўсиб келаётган авлодни асраб-авайлаш, уларни етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар биримизга катта масъулият юклайди.

Вилоятимиз туман ва шаҳарларида «Оғохлик-ка даъват: ўз уйингни ўзинг асра» шиори ос-тида ўтаётган табдиллар шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ЗАРКЕНТ ГИЛАМЛАРИ

Паркент туманининг Заркент қишлоғида Республика маҳнат вазирлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини ташаббуси билан гилам тўқиш корхонаси ишга туширилди.

Ушбу корхона қишлоқдаги 32 нафар хотин-қизларни иш билан таъминлади. Айти пайтда бўлажак тўқувчиларга касбларини чуқур эгаллашлари учун Хоразм вилоятида фаолият

Қамолиддин АСКАРОВ.

МУРУВВАТДАН МИННАТДОР ҚАЛБЛАР

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан Чирчиқ туманида савобли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда «Соғлом авлод учун», «Навруз» жағфарма-сининг туман бўлими, шунингдек, бир неча табиркорлар кам таъминланган оилаларнинг фарзанд-ларига 200 минг сўмликдан зиёд кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини топширди.

Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА.

ТАДБИРКОРНИНГ ЧОЙХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги байрами арафасида жойларда кўплаб иншоотлар қад ростламоқда.

«Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Тинчлик маҳалласида янги чойхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Тез ва қисқа муддат-

ларда тикланган чойхонани шу маҳаллада истиқомат қилувчи табиркор Раҳим Тошматов ўз сармоясига ҳисобига қуриб битказди. Эндиликда унда маҳалла оқсоқоллари, фахрийлари ва маҳаллага ташриф буюрган меҳмонлар мириқиб дам олишмоқда.

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқоричирчиқ тумани.

Чорвадорлар учун қулайлик

Олис чорвачилик туманларида ҳанузгача қудуқдан сув олишда эскича усулдан, яъни от қучидан фойдаланиб келинмоқда. Эндиликда чорвадорлар иши енгиллашадиган бўлди.

Урта Осиё Ирригация илмий-текшириш институти мутахассислари шамол двигателининг янги модификацияси – елканли шамол энергетик қурилмасини яратди. Янги қурилма даштларда шамол тезлиги билан кичик босимда сув тортиб чиқариш ва яйловларни сугориш учун мўлжалланган.

Қурилма тузилиши оддий

бўлиб, алоҳида ишлаб чиқариш технологияларини талаб этмайди. Унинг двигатели генератор, редуктор ва бошқа керакли қисмлардан ташқари шамол гилдираги билан жиҳозланган. Иккита қайрилган паррак эса унда елкан вазифасини ўтайди.

Ўтказилган синов шунини кўрсатдики, шамол энергиясидан фойдаланиш иқтисодий самара беради. Иссиқлик двигатели ўрнига янги қурилмани қўллаш сарф-ҳаражатларни 1,5-2 баравар, бир куб метр сувни кўтариш қийматини эса қарийб уч баравар камайтиради.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сиёсий партиялар ва Халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 22/2-моддасига мувофиқ номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодлари овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини қуриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 24 ва 45-моддаларига мувофиқ сиёсий партиялар ҳамда Халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашлари томонидан бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1. Прохоренко Геннадий Алексеевич	1949	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Олмалиқ шаҳри	Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очик турдаги акционерлик жамияти бош директори	152-Олмалиқ
2. Шоносиров Шоаскар Сунатуллаевич	1948	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Олмалиқ шаҳри	Олмалиқ минтақавий табиати муҳофаза қилиш кўмитаси раиси	

Марказий сайлов комиссияси Раиси

Н. КОМИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 2001 йил 14 июль.

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

4. Маънавият устун бўлса...

Одамлар қалбига йўл топа билиш, уларнинг руҳиятидаги боқимаидалик кайфиятини енга олишларига ёрдам бериш санъати ҳозирги кунда жуда муҳимдир. Бунинг учун Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавият, айниқса, спорт соҳаларида ўқатилган ислохотлар жуда асқотади.

Ёш авлодни маърифатли қилиб тарбиялаш, шу асосда жамият маънавиятини юксалтириш юртимиз сиёсатининг бош йўналишидир. Биринчи кўра, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «...Бизнинг келажғимиз, мамлакатимиз келажғи ўрнимизга ким келишига ёки бошқароқлигига асосланади. Биз кадрилар тайёрлашнинг асосий вироқидир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ туманимизда 53та ўрта ва таълим мактабларида, касб-хунар коллежларида баркамол авлодни тарбиялаш йўлида кўпгина ишлар амалга оширилди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Абдуқаҳор Эр-назаров.

Биз замонавий ўқув қўлланмалари ва ускуналари билан жиҳозланган таълим даргоҳларида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «Давлат таълими стандартлари» қарорлари амалда ўз инъикосини топаётганлигининг гувоҳи бўлди.

Истеъдод, истак ва фидойилик бор жойда санъат равақ топади, маданият, маърифат, маънавият соғломлаша боради. Шу ўринда маданият уйлари, клублар, кутубхоналар, мусика мактаблари ва бошқа шу каби маданий-маърифий муассасалар халқимиз ҳаёти ва онгига маънавиятини сингдира оладиган муҳим омиллардан биридир.

Хар бир соҳанинг ўз жонқуялари бўлади. Туман маданият ишлари бўлими мудири Абдуҳаким Қамбаров билан суҳбатлашганимиз, тилидан ботиб, маданий-маърифий тадбирлар ҳусусида хикоя қилади:

Бугунги кунда маданият уйларида иш фаолиятини жонлантириш, тўғараклар, бадиий ҳаваскорлик жамоаларига ёшларни жалб этиш, уларни қадриятларимиз руҳида тарбиялаб, халқимизга сидқидилдан хизмат кўрсатишни яхшилаш асосий вазифаларимиздан биридир.

Маданият ходими майли, у кутубхоначиси, санъатчиси, мусика мактаби ёки тўғарак муаллими, деми халқ ичда бўлиши керак.

Туманда турли миллат вакиллари истикомат қилишади. Албат-

та, ҳар жойнинг ўзига яраша урф-одатлари, ўз қадриятлари бор. Жойларда бунинг ҳисобга олмаган, ишинг юртимаслиги аниқ. Айтайлик, Қорахитойда урф бошқача-ю, Қурамада яшовчи одамларнинг табиати бўлакча. Шунинг учун ҳам жойларда ўқатилган тадбирлар ҳам ўзига хос бўлиши лозим.

Ўтган йиллар мобайнида бир қанча бадиий ҳаваскорлик жамоалари ташкил этилди. 66та клуб ўшмаларида 900га яқин ҳаваскор ёшлар қатнашаётгани кимни қувонтирмайди, дейсиз. Тумандаги Му-



сиқа мактабида 60 нафар ўқувчи ёшлар мусика илмидан сабоқ олишмоқда. Бугунги кунда Маломат Аҳмедова, Хайридин Абдураимов, Абдулатиф Жоникулов, Фарид Аҳмедова, Марҳаб Аҳмедова, Бахтиёр Бутаев сингари ҳуш-воҳ хонандалар кўрик-танловларда, ҳосил байрамларида эл-юрт олқишига сазовор бўлишмоқда.

Дунёда ҳар қайси касбнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти, қадриятлари бор. Шу ўринда соғлиқни сақлаш, спорт соҳаларида ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилганлигини айтиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

ҲОТИМА ЁКИ ОХАНГАРОН ТУМАНИ ХОКИМИ УЛУҒБЕК ИБРОҲИМОВНИНГ ЯҚУНЛОВЧИ СЎЗИ:

— Халқимиз энг азиз, энг улуг мустиқлик байрамига ҳозирлик

Охангарон: МЕҲНАТ билан топди БАХТУ ИҚБОЛИ

қўрмоқда. Истиқлолимизнинг ўн йиллиги Охангарон тумани аҳолиси учун ҳам нақадар азиз ва мўътабар эканини алоҳида таъкидлагим келади, — дейди Улуғбек Маҳаматович. — Ҳеч иккиланмай

чиқаради. Унинг тамғасини республикамизнинг истаган жойида қўриш мумкин. Шунингдек, «Бахт-Фули» Ўзбек-Хитой қўшма корхонасини олайлик. У йилга 15 миллион донга яқин ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Туманимизда бундай қўшма корхоналар яна кўпаяди. Қисқаси, туманимиз халқи, мустиқлигимизнинг ўн йиллигини муносиб ҳар соҳада меҳнат натижалари билан қўтиб оладилар, деган умиддаман.

Дарҳақиқат, келажғи бор юрт пойдор ва муштарак бўлади. Шундай экан, охангаронликлар ҳам ўз ютуқларини янада муштараклаш учун курашмоқда ва яшамоқда.



РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

- Тумандаги марказий касалхона, 20та фельдшерлик-акушерлик пунктлари, 5та қишлоқ шифокорлик амбулаториялари, 10та қишлоқ шифокорлик пунктлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.
- 2001 йилда умумтаълим мактаблари соини 53тага етди. Уларда 1543 нафар устоз муаллимлар, салкам 19000 ўқувчиларга таълим-тарбия беришмоқда.
- Туманда битта мусика мактаби, марказлашган кутубхона, 20дан ортқ клуб муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ, Даврон АҲМАД (суратлар) «Тошкент ҳақиқатининг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: Иброҳим Тўйчиев устозлик қилаётган туман халқ таълими бўлимининг футбол жамоаси уч ишдан буён туман чемпиони деган номни сақлаб келишмоқда. Улар бу иш ҳам пешқадамликни қўлдан бермайдилар, деб аҳд қилганлар. «Илгори қишлоқ врачлик пункти Охангарон туманининг энг четки қишлоқларидан бирида жойлашган. Бу ерда қишлоқ аҳолисининг саломатлигини ҳимоя этиш учун ҳамма шарт-шароитлар етарли. Биринчи тоғалли шифокор Сабоҳат Иманова ва таҳсилчи Турдиниса Раҳимбе-валар иш устида.

Пешин намозидан кейин кетишга шошилётган Саттор домлани кўриб, Ғани ота унга яқин келди.

— Баҳай, тинчликми? — Ошналарингиз қани, шу ердами? Уста Мансур анча-дун бери бетоб. Бирров ҳол сўраб чиқсак, дедим.

— Кўп яхши ўйлабсиз, домла, нима қилса ҳам муаллим ўтгансизда.

Бирин-кетин улар кўтган одамлар ҳам чиқишди. Бешовлон гурунглашиб, йўлга равона бўлишди. Мансур оқанинг ҳовлиси-га киришлари билан ҳовли сунуриб юрган келин уларга пешвоз чиқди:

— Ассалому алайкум, отахонлар, хуш келибсизлар, марҳабо.

Отахонлар унга эргашиб тўрадаги уйга ўтишди. Ораста ўринда ранги анча синиккан, озган Мансур оқо ётарди. Ул-фотларини кўриб кўзлари на-мланди.

— Келинлар азизларим, эшикдан йўқлаб келишингиз таномга роҳат, жонимга дар-мон бўлганини билсангиз эди.

Ошнлар кўк соломла-шиб, келин салган кўрпачага чўкишди. Беморга шифо тилаб, дуо қилишди.

— Хўш, Мансурвой, нима қилди? — Одат буйича сал-моқдаки Жонан қори.

— Ҳаммаси бепарволикдан бошланди. Кун салқинлаб қол-ган. Иссиқ уйдан чиқиб томо-гини хўллаганимни билмаман.

Эрталаб турсам иситманинг исқонжасидан-да. Дардога дорд уладди. Оёқорим бош-ланди. Энди мана туришга ҳам ҳолим келмаяпти.

— Ҳол келмаса ётаверинг, дори-дармонлардан олиб фо-ринг бўлинг дорддан.

— Бир мўйин-мусулмоннинг

ИБРАТНОМА

ОДАМНИНГ ТАФТИНИ ОДАМ ОЛАДИ



ни қўллоди Ғани ота, — ўзи одамзот на иссиққа, на совуққа кўнади. Дард деганлари уч-тўрт кун-лик меҳмон, уста Мансур.

Саттор домла-нинг кўзи тоқчада батариб териб қўйилган китоблар-га тушди. Ўрнидан туриб, орасидан «Ахлоқ-одобга оид ҳадислардан намуналарни олиб очди.

— Ўқиганисиз бунга? — сўради у устодан.

— Ўқиганман, — бош ирга-ди уста Мансур.

— Бўлмаса, ёдингиздан чиқаргансиз-да, — кейин баланд овозда ўқиди: «Ҳеч ким ўзига ўзи ўлим тиламасин, чунки, яхши одам бўлса, тирик ҳолда са-вобли ва хайри ишларни кўп қилиши мумкин. Агар гуноҳлари кўп бўлса тавба қилишга имконият топади». Уста ахир сиз элнинг қорига яраган ин-сонсиз. Бу кўлларингиз неча уй қургон! Одамларни ватон-ли қилишдан ҳам улуг савоб борми.

Сўхбат алламаҳалгача да-вом этди. Ошнлар ўринла-ридан туришганди, уста Ман-сур уларни кўчагача кузатиб чиқди.

— Қадимларингизга нур ёйилсин, — деди у, — одамнинг тафтини одам олади дегани рост экан. Илоҳим ҳеч кимни ётқулик қилмасин.

Дилноза МАДРАИМОВА.

Янги китоблар

ФИДОЙИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ МАДҲИ

Ҳар томонлама ғуқ, баркамол инсонларни тарбиялаш, вояга етказишда табиийки, мада-ният, санъат арбобларининг хизмати катта бўлади.

Шундай экан, бугунги ёшларимиз улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу жиҳатдан Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти томони-дан чоп этилган Ўткир Шо-киров, Феруз Ашрафий, Ирода Шокировларнинг қаламига мансуб «Ўзбекис-тон маданияти намоёндала-

ри» китоби диққатга сазовор-дир. Китобада театр, кино, мусика, кўшиқ, рақс, тасви-рий ҳамда меъморчилик санъ-атининг Обид Жалилов, Лу-тифхоним Саримсқома, Олим Хўжаев, Раҳим Пирмуҳамедов, Тўхтасин Жалилов, Тўйчи хофиз Тошмуҳамедов, Уста Олим Қомиллов, Мукаррама Турғунбоева, Урол Тансиқбо-ев, Пулат Зоҳидов сингари

170дан ортқ халқимиз меҳр-муҳаббатини қозонган вақиллари ҳаётига, ижоди-га оид мўъжазгина чизилар бе-рилган. Китобхон уларни ўқиб, зарур маълумотларни билиб олади.

Ушбу янги рисола ҳам халқимизнинг дил тўридан муносиб ўрин олади, деб ўйлаймиз.

Н. ИСАЕВ.

Насрий масал

ЁНДОШИШ

— Иним Қашқирнинг ишдан олингани дўсту ёронларига ҳам ёмон асорат кўрса-тапти. Бир маслаҳатингни дариг тутма, деб олдинга келдим Айиквой, — деди Бўри зорланиб. — Ишим юришмаяпти, қорин оч. Ўлжанинг ёғлиги бошқаларда. Қашқир бўлганда-ю...

— Бўри бўлсанг-да, томинг кетганмиёй. Қашқир аввалги раҳбаринг, у сен учун аввал ижойи эди. Уни ўрмоннинг бир-икки бурчида мактаб юрганинг янги бошлиғимиз Сиртлоннинг кулоқларига етган. Бу сен учун каттақон минус. Энди бир гап: ўшанга бор, ўшанга сўйқал, ўшанинг кўнглини ол! Ав-валгисидан қоч, янгисига ёндош! Билгин, ҳой Бўривой, саломни энди Қашқиргамас, Сиртлонга бер, Сиртлонга! Зеро, ўлжани у тақсимлайди энди...

Мирфозил МИРЗААХМЕДОВ.

ТОШКЕНТ ТАДБИРКОРЛИК КОЛЛЕЖИ

2000-2001 ЎҚУВ ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

1. **Хуқуқшунослик**
Кундузги: 9-11 синф ҳажми-да
Сиртки: 11-синф ҳажмида
2. **Молия кредит**
Кундузги: 9-11 синф ҳажми-да
Сиртки: 11-синф ҳажмида
3. **Муҳосиблик ҳисоби:** **чилик ВС тоифали гу-воҳнома берилади)**
Кундузги: 9-11 синф ҳаж-мида
Сиртки: 11- синф ҳажмида
4. **Автомобил двигате-лини таъмирлаш ва тех-ник хизмат кўрсатиш (ўқиш давомида ҳайдов-мида**
5. **Ветеринария**
Кундузги: 9-11 синф ҳаж-мида

Абитуриентлар белгиланган ўринлар квотасига мувофиқ махсус синовлар асосида коллеж қабул ҳайъати томонидан қабул қилинади.

Керакли ҳужжатлар:

1. Директор номига ариза.
2. Шоҳодатнома (гувоҳнома) асл нусхаси.
3. Тиббий маълумотнома (086-шакли).
4. 3х4 ҳажмидаги бта сурат.
5. Паспорт.
6. Ҳарбий ҳужжат.
7. Яшаш жойидан маълумотнома.
8. Таъсирномасига (Тошкент тадбиркорлик коллежига) деб ёзилиши керак.

Қабул қилинган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тўқай-Топа қишлоғи,

Тошкент тадбиркорлик коллежи.

Автобуслар: «Буюк ипак йўли» метросидан — Чингелди қишлоғи,

496-автобуснинг «Медтехника» бекати.

43-маршрут, 1, 17-автобусларнинг Хумоюн бекатидан

«Медтехника» бекатигача пиёда.

ХОҚНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ



Кеча Хал-қаро Олимжон Қўмитасининг Москвада бўлиб ўтган сессиясида унинг янги саккизинчи президенти сайланди. Бельчилик 59 ёшлик жаррох Жак Рот ана шундай юқори мартабага сазовор бўлди. Х. А. Самаркан курсисини қўла киритган Ж. Рот бундан ўн йил ав-вал ХОҚ аъзоллигига қабул қилинган эди. Маълумки, мазкур лавозим учун беш нафар номзод, жумладан, кана-далик юрист Ричард Паунд ва жану-бий корейлик сиёсатчи Юн Йонг ку-рашган эдилар Бироқ ХОҚнинг 120 аъзосининг ақсарияти Жак Ротни энг мақбул номзод дея топишди.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «TSIRO» масъули-яти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кун-дан бошлаб икки ой давомида Халқлар Дўстлиги кўчаси, 100-уйда қабул қилинади.

Яккасарой туманидаги «Тош-гидропроект» институти комп-лекс қидирув партияси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кун-дан бошлаб бир ой давомида 144-20-69 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Чирчиқ шаҳридаги «Зилло-суб» тижорат фирмасининг йўқолган думалок муҳри ва бурчак штамп **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қулганга ҲИМА ЕТСИН!

ЎРГАНИБ КЕТАСИЗ
Фолбин карталарни очиб қўйиб мижозига гапираяпти: — Сиз эллик ёшингизгача пулнигиз камлигидан қийналиб юрасиз. — Кейин бойиб кетаманми? — ҳовлиқиб мижоз. — Кейин... бунга ўрганиб кетасиз.

САРТАРОШХОНАДА
Сартарошхонага кирган мижоз устасга деди: — Менинг соғларимни икки томонга баб-баравар қилиб бўлиб қўйинг. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин уста деди: — Бунинг ҳеч илоҳи йўқ, сочингиз тоқ чиқаяпти.

М. МАҲМУДУДЖАЕВА тайёрлади.

Собир Раҳимов туманидаги хусусий тадбиркор Раҳимов Али-шер Турравичнинг думалок муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Озбек-овқат ва енгил саноат бўйича Республика касб-хунар лицейи томонидан 1997 йил 27 июнда Базаров Фарход Мухитди-нович номига АС 073196 рақам билан берилган йўқолган диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани хоки-мияти томонидан хусусий тадбир-кор Пулатов Жаҳонгир Тошгула-тович номига чакана савдо билан шуғулланиш учун 2000 йил 18 январда 0512003 рақам билан берилган хусусий тадбиркор гу-воҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.

Мазлими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.